

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н., доц. Х.Х.КОМОЛОВ
« ___ » _____ 2015 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра муdiri _____
доцент О.ШЕРМАТОВ
« ___ » _____ 2015 йил

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
ТУРҒУНОВ ДОНИЁРБЕКНИНГ**

**БИТИРУВ -
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида
ишлаб чиқариш хажмини оширишга тасир этувчи омиллар

БМИ раҳбари: _____ *и.ф.н. НОСИРОВ Б.З.*
Бажарувчи: _____ Турғунов Д.

Андижон - 2015

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудири
Шерматов О. _____
« ____ » _____ 2014 й.

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси Турғунов Дониёрбекка
битирув малакавий ишни бажариш учун**

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2014 йил 10 сентябрдаги № 275-Ст буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга тасир этувчи омиллар
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** 20 апрель 2015 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>21.12.2014</i>	
1-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг назарий асослари.			
<i>1.1. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>30.01.2015</i>	
<i>1.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таснифи ва ҳисоблаш тартиби</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>05.03.2015</i>	
2-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари.			
<i>2.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг табиий иқтисодий шароити.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>20.03.2015</i>	
<i>2.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий кўрсаткичлари</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>30.03.2015</i>	
3-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини таъминлаш			
<i>3.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилларидан самарали фойдаланиш</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>05.04.2015</i>	
<i>3.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўллари</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>10.04.2015</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>18.04.2015</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>и.ф.н. Носиров Б.З.</i>	<i>20.04.2015</i>	

Топширик берилган вақти:
БМИ рахбари:
Битирувчи:

10 сентябрь 2014 йил
и.ф.н. Носиров Б.
Турғунов Д.

М у н д а р и ж а

<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
Кириш	4
<i>1-боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг назарий асослари.</i>	10
<i>1.1. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар.</i>	10
<i>1.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таснифи ва ҳисоблаш тартиби</i>	23
<i>2-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари.</i>	38
<i>2.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг табиий иқтисодий шароити.</i>	38
<i>2.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий кўрсаткичлари</i>	54
<i>3-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини таъминлаш</i>	71
<i>3.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилларидан самарали фойдаланиш</i>	71
<i>3.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўллари</i>	77
Хулоса ва таклифлар	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	84

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодининг барча соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам 2014 йил улкан ютуқларга бой бўлди. Соҳадаги юксалишларни Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида эътироф этди.

Жумладан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсиб, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди.¹

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 9 та лойиҳа бўйича 5334,6 млн сўмлик ёки 143,6 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзида ҳам кенг қўламли

¹ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январь мажлисидаги маърузаси

Ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилашлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хом-ташё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди.

Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 марта, тухум – 3,4 баробар ошди. Натижада аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш 283,2 кг, картошка 76 кг, полиз 50,8 кг, мева 76,9 кг ва узум 43,2 кг. га тўғри келмоқда. Бу эса тиббий талаб меъёрига нисбатан 1,5–2,5 баробар кўпдир².

Мамлакатимизда жами 71 минг 652 та фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга 5 млн. 854 минг 789 гектар ер майдонлари ижарага берилган, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келган ўртача ер майдони 81,7 гектарни ташкил этмоқда. 2014 йилда 18 минг 346 та фермер хўжаликларида қўшимча ишлаб чиқариш соҳаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, 1525 та фермер хўжалигида қорамолчилик, 679 та фермер хўжалигида паррандачилик, 711 та фермер хўжалигида балиқчилик, 695 та фермер хўжалигида асаларичилик йўналишлари ташкил этилди ҳамда 446 та фермер хўжалигида 2,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 1365 та фермер хўжалигида 5527 гектар майдонда маҳаллий боғлар ва 999 та фермер хўжалигида 4,5 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди.

Ўтган йили миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Улкан

² www.stat.uz – Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти

хирмонга 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир.

Юртбошимизнинг фермер хўжаликлари қишлоқларимизнинг таянч устунидир, дея таърифлагани бежиз эмас. Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигини мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 16,9 фоизни ташкил этади, уни хиссасига аҳоли учун зарур бўлган озик-овқат маҳсулотларининг 85 фоизидан кўпроги тугри келади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Республикада фермер хўжаликлари уюшмаси тизими тугатилиб уни ўрнида фермер хўжаликлари кенгашини таркиб топиши аграр ислохатларни чуқурлашуви асосида эришилган инқилобий характердаги муҳим социал-иқтисодий воқеадир. Республика фермер хўжаликлари кенгаши ва уни жойлардаги бўлимлари давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан доимий муносабатда бўлиб барча соҳаларда фермерларнинг манфаатларини химоя қилади.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил этиш ва ўрганиш асосида аграр ислохатларни чуқурлаштириш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларни амалга оширилиши

мухим аҳамиятга эга булди. Кишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун зарур булган барча ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитлар яратилди. Сўнги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтди. Натижада фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 71 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кутарилиши уларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосида амалга оширилишининг тақозо этади. Бир суз билан айтганда қишлоқ хўжалиги тараккиётини таъминлашда жадал ривожлантиришнинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Сабаби, қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини кескин ошириш асосида тармоқда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, уни таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш фақатгина жадал ривожлантириш асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллардан бири бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ҳисобланади. Бунда ходимларни техника билан қуроллантириш даражаси кескин ортиб ишлаб чиқаришдан катта миқдордаги иш кучи сиқиб чиқарилади. Бунинг учун фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб этилиши талаб қилинади. Лекин, фаолият кўрсатаётган кўп сонли фермер хўжаликларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш учун етарли бўлган инвестиция манбалари ҳозирги кунда мамлакат ичида мавжуд эмас. Шунинг

учун ҳам ушбу масалани қисқа муддатларда самарали хал этилиши фермер хўжаликларига катта миқдордаги материал инвестицияларни хориждан жалб этилиши билан боғлиқдир. Бунда асосий эътиборни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишига қаратиш лозим.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жараёнининг асосий омиллардан бири – қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш тизимини такомиллаштиришдир. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш назарияси ерни бирламчи қишлоқ хўжалигига махсулотларини ишлаб чиқариш жараёни тутган ўрни ва ахамиятига асосланади. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни алмаштириб бўлмайдиган, доимий ва асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Ер қишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аввало уни табиий чекланганлиги ва ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш имконияти билан характерланади. Ернинг бу хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг моддий асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажмини кўпайтиришни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига амалга ошириш имкониятларини чекланганлиги ишлаб чиқаришга қўшимча сармояларни жалб этиш асосида мавжуд фойдаланилаётган ерлар унумдорлигини ошириш асосида жадал ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

БМИнинг объекти сифатида биз Андижон туманида фаолият кўрсатаётган «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигидан фойдаландик.

Биз БМИ мавзусини ёритишда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг дехкончилик соҳасини, хусусан пахта ва бугдой дони етиштириш буйича эришилган иқтисодий курсаткичларидан фойдаландик. Мос ҳолда мавзуга оид булган хулоса ва таклифлар ҳам улар асосида ишлаб чиқилди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилларидан самарали фойдаланиш масалалари

Юзасидан фикр мулохазаларни ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу мақсадда битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди.

1. Жадал ривожлантириш кишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий усули эканлигининг асослаш.

2. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар асосида эришилган иқтисодий самарадорликни таҳлил этиш.

3. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш буйича хулосаларини ва таклифларни ишлаб чиқиш.

БМИнинг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, 3 бобли асосий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий иши 85 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини тайёрлашда 14 та жадвалдан фойдаланилди.

1-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг hozirги боскичида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг оптимал йўли ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида жадал ривожлантириш усулидан фойдаланиш ҳисобланади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг иқтисодий самарадорлигини оширилиши ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби яхшиланишига боғлиқдир. Фермер хўжалигида моддий харажатлар таркибига экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир қилувчи уруғлик, ўғитлар, ёқилғи, иш ва хизматлар кириши ҳисобга олиниб улар ҳиссасини янада ортишига эътиборни кучайтириш зарур.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг ва жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларининг ижобий ҳал этилиши аксарият ҳолларда фермер хўжалиги ҳар бир аъзосининг мазкур тармоққа бўлган муносабатини тубдан яхшилаш билан боғлиқдир. Бунинг учун хўжалик аъзоларини маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш тўғрисидаги кўникмаларини доимий равишда ошириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ёки ўрта-маҳсус маълумотли мутахассислар салмоғини оширишга ҳаракат қилиш керак. Хўжаликка маҳсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим. Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни яхшилаш уларнинг моддий манфаатдорлик сабабли ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришга, хўжаликни жадал ривожлантиришга олиб

келади.

«Янгибод ҳосили» фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва жадал ривожлантириш мақсадида энг аввало етиштирилаётган махсулот таннархини арзонлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, бунда энг аввало арзон ва самарали технологиялардан фойдаланиш, моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, махсулот етиштириш жараёнида ортикча харажатларга йул куймаслик ва энг асосийси асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини талаб даражасига кутаришда унинг асосий омиллари булган ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳамда ишлаб-чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалаларига алоҳида эътибор бериш зурур.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш омилларидан самарали фойдаланиш буйича ўзининг истиқболли дастурини ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг зарурлиги ва асосий йўналишлари Президентимизнинг асарларида ва маърузаларида кенг ёритилган.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришларга алоҳида тўхталди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Бу вазифа энг муҳим устивор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини

таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир. Агарки бу рақамларни гектарларга кўпайтирадиган бўлсак, амалга оширган ишларимизнинг самараси янада яққол намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Масалан, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисман қисқартирилди, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Шу асосда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Натижада 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг

камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда фақатгина 16,9 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.”

Президентимиз И.А.Каримов қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш омилларида самарали фойдаланиш масаларига тухталиб қуйидагиларни таъкидлайди «Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Президентимиз узининг 2014 йилнинг якунларига ва 2015 йилнинг устувор йуналишларига бағишланган маърузасида мамлакатимизнинг молиявий ҳолатига тухталиб қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш

ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.

Ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.

Президентимиз И.Каримов кишлоқ хужалигида кўлга киритилган ютуқларни куйидагича баҳолайди. « Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз

қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир.

2014 йилда қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир синовларга дуч келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Совуқ кунлар одатдагидан кўпроқ бўлди. Бу, айниқса, баҳор ойларида янада кўпроқ сезилди. Ёздаги сув танқислиги, вегетация давридаги кучли шамол ва бўронлар, кузнинг анча эрта ва салқин келгани соҳа меҳнаткашлари учун кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамадан, деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадок қўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади. (И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан)

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожланиш буйича эришилган ютуқларимизга тухталиб куйидагиларни асослайди «Мамлакатимизда,

хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.

Президентимиз фермерлар кенгашининг ҳуқуқларини куйидагича асослайди «Бугунги кунда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ деярли бирорта масала фермерлар кенгашларининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.»

Юртбошимиз республика фермерлари кенгашининг ва уни жойлардаги булимларининг ваколатларини куйидагича таърифлайди «Мазкур кенгашларнинг асосий вазифаси давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимият органлари билан муносабатлар бўладими, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўладими, шунингдек, судларда ишларни кўриб чиқиш бўладими – ҳамма ерда фермерларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Президентимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг моддий асосини ташкил этадиган модернизациялаш масаласига тўхталиб куйидагиларни асослайди «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг

қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг моддий асосини ташкил этади. Жадал ривожлантиришнинг барча омиллари уни асосида таркиб топиши ва ривожланиши лозим. Шундагина ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг эришилган иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида бўлади.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг зарурлиги, моҳияти, омиллари ва иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари Ўзбекистонда А.А.Абдуғаниев, А.М.Жўраев, Ф.К.Қаюмов, Ч.Муродов, С.Н.Усмонов, К.Х.Хасанов, А.С.Цомутали, К.А.Чориев ва шу каби бошқа бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив усуллариининг моҳияти, зарурлиги, омиллари ва самарадорлиги масалалари А.Исмоилов, О.Муртазаевлар томонидан ўрганилиб асосланган. (Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. Самарканд-2005 йил).

Х.Комоловнинг асослашича «Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёни саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги баҳо номуносиблигининг кучайиши, жалб этилаётган ялпи инвестициялар таркибида аграр тармоқнинг улуши ва кириб келаётган янги техника воситалари миқдорининг камайиши шароитида амалга ошмоқда. Аграр соҳада ханузгача монопол корхоналар таъсири сақланиб қолаётганлиги, соғлом рақобат муҳитининг тўла

шаклланмаганлиги мавзунинг долзарблигини янада оширади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини замонавий техника воситалари ва технологиялар билан таъминлашга хизмат қиладиган эркин бозорнинг шаклланишининг асосий тўсиқларидан бири бўлиб қолмоқда.» (Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил, 3-бет)

Фермер хўжаликларининг техник-технологик мустақиллигини таъминлашнинг зарурлиги ва йўллари. А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматов, Г.Шодмоноваларнинг илмий мақолаларида ёритилган. Уларнинг таъкидлашларича “Фермер хўжалиги оилавий хўжалик юритиш шакли ҳисобланиб, истиқболда агротехник чора тадбирларни асосий қисмини (камида 80-85 фоизини) ўз кучи билан амалга ошириш учун зарур бўлган техника воситалари билан тўла таъминланган бўлиши керак” (Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларини техниктехнологик мустақиллигини таъминлаш. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2008-йил. 269-272 бетлар).

О.Олимжонов ва бошқалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталишиб қуйидаги фикрларни билдиришган “ Фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб 1998-йил апрел ойида қабул қилинган Ер кодекси, 2004 йил август ойида кучга кирган янги тахрирдаги фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари асосида тасдиқланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек фермер хўжалигининг устави ҳисобланади ”. (Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент. Унверситет, 2005 йил. 18 бет).

О.А.Шерматовнинг асослашича “пахтачилик иқтисодий самарадорлиги асосан натурал, қиймат ва тўлдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ўзаро узвий боғлиқлиги пахтачилик иқтисодий самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан комплекс фойдаланиш заруриятини асослайди”. (Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. и.ф.н илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент 2006 йил 8-бет).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш жараёнида ерни тутган ўрни ва ахамиятига алоҳида тўхталиб буни қуйидагича таърифлашади: “Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш назарияси ернинг бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрни ва ахамиятига асосланади. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг алмаштириб бўлмайдиган, доимий ва асосий воситаси бўлиб ҳисобланади”. (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материали. АндМИИ. Андижон-2009 йил 171 бет).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда уни мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория эканлигини ҳисобга олиб бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурлигини айтишиб, уни яқунловчи асосий кўрсаткичи сифатида рентабеллик даражасидан фойдаланиш тавсия этилади. (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалигини барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материалларидан).

Қ.Бўстоновнинг асослашича «...бугунги кунда мамлакатимиз аграр соҳасини модернизациялаш ва инновацион асосида ривожлантириш тизими

етарлича йўлга қўйилмаган. Фаол инновацион фаолият билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг улуши уларнинг умумий сонига нисбатан 0,5-0,6 фоиздан ошмаётир. Бунинг асосий сабаблари аграр секторда малакали кадрлар етишмаслиги, сохани модернизациялаш ва уни инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш бўйича алоҳида дастурнинг йўқлиги ҳамда молиявий ресурсларнинг етарли эмаслигидир» (Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агро илм. 1(21) сон, 2012 йил 73 бет).

А.Абдуллаев, О.Шерматовларнинг кўрсатишича «Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг алмаштириб бўлмайдиган, доимий ва асосий воситаси бўлиб хисобланади. Ер қишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аввало унинг чекланганлиги ва ўз унимдорлигини тўхтовсиз ошириб бориши имконияти билан характерланади. Ернинг бу хусусиятлари қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг моддий асосини ташкил этади.» А.Абдуллаев, О.Шерматовлар. Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилдир. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлашда таълим,фан ва ишлаб чиқариш бирлиги. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Андижон-2009 йил, 171-172 бетлар.

О.Зокиров, Т.Худойбердиев, А.Пардаевларнинг асослашларига кўра «Мавжуд техника қанча янги, соз, замонавий бўлишидан қатъий назар, агарда фойдаланиладиган экин тури технологиясига мос тушмаса, бундай техникадан фойдаланиш самарадорлигини кутиш мумкин эмас. Фақат пахта етиштиришнинг комплекс механизациялашга эришмоқ учун 71 хил техника турига эга бўлмоқ керак» (О.Зокиров, Т.Худойбердиев, А.Пардаев. Ароиктисодиётни эркинлаштириш шароитида техникадан самарали фойдаланиш. Тошкент – 2005 йил, 210 бет).

«Ҳозирда қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг заифлиги ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларидаги муаммоларнинг мавжудлиги

фермер хўжаликларини ривожлантириш ва маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатишини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек «чоппиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди» (Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Тошкент. «Ўзбекистон», 2011. –Б. 28)

Х.Комоловни асослашча «Республикамизда фаолият юритаётган мавжуд фермер хўжаликларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш агротехник чора-тадбирларини ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган барча турдаги техника воситаларига эга эмас. Шу боисдан ҳам, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш агротехнологияларига мос келадиган, давомли ишларни сифатли ва меъёрий вегетация муддатларида бажарадиган, ҳосилни йиғиштиришда кам исроф қиладиган ва ҳар жиҳатдан унумли янги техника-технологиялар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида модернизациялаш жараёнини жадаллаштириш зарурияти соҳанинг моддий-техника таъминоти тизимини бозор механизми ва тамойилларига мос равишда ривожлантиришни тақозо этади.» (Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил, 3-бет)

Ишлаб чиқариш - корхоналарининг асосий фаолияти тури бўлиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, ушбу товарларни ишлаб чиқариш

учун сарфланадиган ресурслар ҳажмидан ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган технологиянинг ҳолати ва даражасига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш - бу керакли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан ҳамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Масалан, фермер хўжалиги пахта ишлаб чиқариш учун ишчи кучидан, хом ашё сифатида уруғ, ўғит, ёқилғи, техника ва бошқа ускуналарга сарфланган капиталдан фойдаланади (Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик -Т.: ТДИУ, 2006. -230 б.).

1.2. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таснифи ва ҳисоблаш тартиби

Ишлаб чиқариш омилларини йириклашган уч гуруҳга бўлиб қараш мумкин: меҳнат, капитал ва материаллар.

Масалан, меҳнат ишлаб чиқариш омили сифатида малакали меҳнатни (агроном, механизатор, бухгалтер), малакасиз меҳнатни (ҳар хил ишчилар) ва корхона раҳбарларининг тадбиркорлик ҳаракатини ўз ичига олади. Бу меҳнат турларини умумлаштирувчи кўрсаткичлар меҳнат сиғими ва меҳнат унумдорлигидир.

Материаллар деганда, ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулотга айланадиган ҳар қандай моддий нарсани қарашимиз мумкин: бутловчи қисмлар, ярим фабрикатлар, темир, пўлат, шиша, ёқилғи, ёғоч, пахта ва бошқа хом ашёлар тушунилади.

Моддий капитал сарфи ишчилар томонидан бинодан, ускунадан, инструментдан ва технологик линиялардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик муносабатлардир (Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиктисодиёт: Дарслик -Т.: ТДИУ, 2006. -230 б.).

Технология - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги амалий билимлардир. Маълумки, технологиянинг такомиллашуви фанда ва техникадаги янги ютуқларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш орқали боради. Янги технология янги ишлаб чиқариш усулларида фойдаланишни, янги машина ва механизмлардан янада юқори малакага эга бўлган меҳнатдан фойдаланишни тақозо қилади. Янги технология янги турдаги маҳсулотларни яратишга ёрдам беради. Янги технология маҳсулот сифатини оширишга, иш шароитларини яхшилашга, берилган ресурслар миқдори ўзгармаганда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини оширишга, харажатларни камайтиришга олиб келади.

Изокванта - бу бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш омиллари сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизикдир.

Изокванталар фирмаларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг вариантлари кўплигини кўрсатади. Бу фирмалар учун муҳим ахборот бўлиб, қандай қилиб изокванталар маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни минималлаштирадиган ёки фойдани максималлаштирадиган омиллар сарфи комбинацияларини танлашга имкон яратади.

Ишлаб чиқариш омиларини бир-бири билан алмаштириш. Икки омилга боғлиқ ишлаб чиқариш функциясини кўриб чиқамиз. Масалан, ишлаб чиқаришда иккита омилдан - меҳнат ва капиталдан фойдаланилади, дейлик. У ҳолда ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда бўлади: $Q = F(L, K)$

бу эрда Q - маҳсулот ҳажми; K - капитал; L - меҳнат. Фараз қилайлик, меҳнат ва капитал сарфлаб озиқ-овқат ишлаб чиқарилмоқда.

Маълумки, изокванта - бу эгри чизик бўлиб, бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган омиллар комбинацияларини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ресурслари чекланганда максимал маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи фирмалар учун асосий масалалардан бири ҳисобланади. Масалани соддалаштириш учун иккита ўзгарувчи омилни кўрамиз: меҳнат ва капитал. Меҳнат сарфи (L) соатбай иш ҳақи билан, капитал сарфи (K) - ускуна, машина ва механизмлардан фойдаланиш вақти (соатларда) ўлчанади. Фараз қилайлик, меҳнат ва капитал рақобатлашган бозор шароитида ёлланади ва ижарага олинади. Меҳнат ҳақи бир соатлик иш ҳақи билан ўлчанади ва уни W орқали белгилаймиз. Капитал нархи - ускуна, машиналарнинг бир соатлик ижара ҳақига тенг дейлик ва уни r деб белгилаймиз.

Меҳнат ва капитал рақобатлашган бозор шароитида ёлланиши ва ижарага олинишини эътиборга олсак, уларнинг нархи бозорда аниқланади ва ўзгармайди. Демак, меҳнат ва капитал нархлари ўзгармайди. Берилган

харажатларда ишлаб чиқаришни максималлаштириш масаласини қарашда харажатлар чизиғидан, яъни изокостадан фойдаланамиз.

Изокоста - бу ишлаб чиқариш харажатларини ифодаловчи чизиқ бўлиб, у умумий қиймати бир хил бўлган иккита ишлаб чиқариш омиллари сарфларининг барча комбинацияларини ифодаловчи нуқталарни ўз ичига олади, яъни умумий қиймати бир хил бўлган меҳнат ва капитал сарфлари комбинацияларни ифодаловчи нуқталарни ўз ичига олади.

Агар фирманинг ишлаб чиқариш омилларига сарфланадиган бюджетни C деб белгиласак, ишчи кучига сарфини $W \cdot L$ ва капиталга сарфини $r \cdot K$ десак, изокостани ифодаловчи тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$C = W \cdot L + r \cdot K \quad (1)$$

Демак, фирманинг ишчи кучига сарфи билан капиталга сарфи йиғиндиси унинг умумий харажати C га тенг.

Харажатларнинг пропорционал ўзгаришга ишлаб чиқариш масштабининг ўзгариши дейилади. Ишлаб чиқаришда фақат иккита омилдан - ишчи кучи (L) ва капиталдан (K) фойдаланилганда, улардан фойдаланиш икки баробар ошса $2L$ ва $2K$ бўлса, ишлаб чиқариш масштаби икки баробар кенгайди дейилади.

Худди шундай меҳнат ва капиталдан фойдаланиш икки марта қисқартирилса ($0,5L$ ва $0,5K$) ишлаб чиқариш масштаби икки марта қисқарганлигини билдиради. Ишлаб чиқаришда омиллардан фойдаланишнинг пропорционал ошиши, яъни ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳар хил таъсир қилади, у маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, камайтириши ва ўзгартирмаслиги мумкин.

Агар ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда омиллар сарфи суръатидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати юқори бўлса, бундай ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига мусбат масштаб самараси дейилади. Мусбат масштаб самарасида узоқ муддатли ўртача харажатлар камаяди.

Агар, ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда, омиллар сарфи суръатидан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати паст бўлса, бундай ўсишга манфий масштаб дейилади. Манфий масштаб самарасида (кейинчалик кўрамиз) узок муддатли ораликда фирма маҳсулот ишлаб чиқаришни оширганда ўртача харажатлар ошиб боради.

Ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда омиллар сарфи суръати ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатига тенг бўлса, бундай ўсишга ўзгармас масштаб самараси дейилади.

Масштаб самараси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган омиллар миқдори билан боғлиқлиги билан ифодаланишини эътиборга олсак, уни ўрганишда ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Омиллар маҳсулдорлигини камайиш қонуни шуни кўрсатадики, бирор бир ишлаб чиқариш омилидан фойдаланиш ошиб борганда (бошқа омиллардан фойдаланиш ўзгармаганда), шундай бир нуқтага эришиладики, ушбу нуқтадан бошлаб кўшимча ишлатилган омил ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради. Омил маҳсулдорлигининг камайиш қонуни чекли маҳсулотнинг камайишини ифодалайди.

Иқтисодий фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради. Иқтисодиётни кўпроқ ишлаб чиқариш ресурсларини (ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва моддий маблағларини) иқтисодиётга жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча-барчаси чекланган.

Экстенсив ривожланишда биргина ижобий томонни кўриш мумкин. Иқтисодиёт экстенсив йўл билан ривожлантирилганда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ортади. Мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан банд этиш муаммоси яхшироқ хал этилади. Лекин бу ҳолат қисқа муддатли иқтисодиёт учунгина хос. экстенсив ривожланиш йўли қатор камчиликларга ҳам эга. экстенсив ривожланиш йўли илмий-техника тараққиётининг жадал боришига салбий таъсир этади. Меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади. Чунки меҳнатнинг фонд билан қуролланиш даражаси эски ҳолда қолади. 1929-1982 йилларда АҚШ реал миллий даромадини ўсишининг 19 фоизи меҳнатни қуролланиш даражасини ошириш ҳисобига олинган. Денисоннинг аниқлашича АҚШда реал миллий даромаднинг ўсишининг 14 фоизи меҳнат ресурсларининг сифатининг (билими, малакаси ва кўникмасини) ошириш эвазига таъминланмоқда. Иқтисодиётнинг умумий самарадорлиги пасаяди. Асосий фондларни янгилашнинг имкониятлари камаяди. Илмий техника тараққиёти мамлакатлар ривожининг асосларидан бири ҳисобланади. 1929-1982 йилларда АҚШ миллий даромадининг реал ўсишининг 28 фоизи фан-техника тараққиёти ҳисобига таъминланган. Фан-техника тараққиёти фақатгина янги сифқатли ва унумдор техника, технологияни ўз ичига олмайди. Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришининг янги такомиллашган, прогрессив шакллари ҳамдир. экстенсив ривожланиш табиий ресурсларни тез ўзлаштирилишига олиб келади. Ресурсларни тежаш механизми бу ривожланиш йўлига хос эмас.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг худуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Бунда ер бирлиги ёки бир бош чорва молига сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас деган қоида амал қилиши зарур. Интенсив

ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсишига нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Масалан, ўтган йили етиштирилаётган 2000 тонна доннинг ҳосилдорлиги 40 сентнерни ҳар бир сентнери таннархи 500 сўмни ташкил этади, деб фараз қилайлик. Жорий йилда дон экилган ҳар гектар майдонга меҳнат ва моддий сарфларни 10 фоизга кўп қилдик. Агарда ҳосилдорлик ҳам 10 фоизга ёки ундан камга ошса, интенсив ривожланишнинг самараси 0 га тенг ёки салбий бўлар эди. Бу ҳолда интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиш имкони йўқ. Агарда сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар ўсишига нисбатан ҳосилдорлик тезроқ ўсган бўлса, интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти очилган бўлар эди. Масалан, харажатлар 10 фоизга ошган ҳолда ҳосилдорлик 12 фоизга ошса, демак, маҳсулот бирлигининг таннархи нисбатан пасайган бўлади. Ана шу тарзда ривожланиш йўли интенсив ривожланиш йўли деб юритилади. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ҳар бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур маъданли ўғит миқдори белгиланган. Агарда меъёрдан ортиқ маъданли ўғит солинадиган бўлса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далолат беради. Бу масаланинг ечими фан-техника тараққиётидир. Фан-техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва

технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушинилади. Бошқача қилиб айтганда, фан-техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унумли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унумли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Масалан, ҳозирда пахта ва буғдойнинг серҳосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини (куюқлашувини) оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида оғирлиги 8-14 тонна келадиган юқори қувватли ғилдиракли тракторлардан фойдаланиш илдиз тарқаладиган тупроқ қатламини ниҳоятда зичлаштиришга олиб келади ва шамол эрозияси жараёнларини кучайтиради, химиялаштиришнинг барча воситалари самарадорлигини кескин пасайтиради.

Мамлакатимизнинг айрим суғориладиган ҳудудларида намланиш даражаси етарли ва меъёрдан ортиқ бўлган ҳудудларда тупроқнинг ортиқча зичлашиб кетганлиги экин ҳосилдорлигига салбий таъсир қилиб келаётганлиги асосий муааммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инновацион фаолликни ошириш мақсадга мувофиқ. Инновацион фаолликни бугунги кун

иқтисодиёти талаб қилади. Инновацион фаоллик мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумотларга қараганда республика корхоналарининг 5 фоизи инновацион фаол ҳисобланади. Европа давлатларида эса бу кўрсаткич 80-87% ни ташкил этади.

Интенсивлаштиришнинг даражаси ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларни тўғри аниқлай билиш ва уларнинг натижаларига қараб иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари кўп бўлганлиги сабабли уларни гуруҳлаш зарурати туғилади.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Бу кўрсаткичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсаткичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатланинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу ҳужаликда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаланадиган ерлар ёки қишлоқ ҳужалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади.

2. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори.

3. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори.

4. Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори.

5. Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони.

Ана шу кўрсаткичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиқ беради. Ишлаб чиқаришни

интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйдагилар киради.

1. Ҳосилдорлик, с/га.
2. Маҳсулдорлик, кг, бош, дона.
3. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.
4. Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.
5. Меҳнат унумдорлигининг ошиши.
6. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.
7. Рентабелликнинг ўсиши.
8. Фонд қийматининг ошиши.

Ана шу кўрсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришнинг самарадорлиги аниқланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги тушунчаларини бир-бирдан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғининг маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

Интенсивлаштириш даражаси эса қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғини ҳолисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги эса экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради. Қишлоқ хўжалигини интенсив риважлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларнинг бир-бирлари билан қанчалик боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1) Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади;

2) Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган менерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унимдорлик даражасига таъсир этиш кўламини ўзида ифода этади;

3) Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатади;

4) Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унимдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:

1. Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амартизациядан ташқари). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$И_д = \frac{Иф + Ис}{Е}$$

Бунда: Ид- интенсивлик даражаси,

Иф- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,

Ис- жорий ишлаб чиқариш сарфи,

Е- ер майдони

Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигининг қай даражада интенсив ривожланганлигини ўзида акс эттиради;

2. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалар қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;

3. Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик

хайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;

4.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаётган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга қўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

$$C_u = \frac{Y_m}{E_m}$$

Си- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

ЯМ-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

ЭМ-экин майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

$$C_{и} = \frac{ЯД}{ЕМ}$$

Бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм

Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан анча оқилона фойдаланишни акс эттиради.

-бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф даромад ёки фойда:

$$C_{и} = \frac{СД}{ЕМ}; \quad C_{и} = \frac{\Phi}{Ем}$$

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад қўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш қўшимча маблағларнинг анча юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳам характерланиши мумкин:

-бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:

$$C_{u1} = \frac{ЯМ}{M_{хар}}; \quad C_{u2} = \frac{ЯД}{M_{хар}}; \quad C_{u3} = \frac{СД}{M_{хар}}$$

Бу ерда: $M_{хар}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат;

-бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):

$$C_{u4} = \frac{ЯМ}{АсФ + АйФ}; \quad C_{u5} = \frac{ЯД}{АсФ + АйФ}; \quad C_{u6} = \frac{СД}{АсФ + АйФ}$$

Бу ерда $АсФ$ - асосий ишлаб чиқариш воситалари иймати, минг сўм;

$АйФ$ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш-тиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, унинг йўналишига, суръатига ва самарадорлигига таъсир кўрсатадиган кўп омилларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда муҳим рол қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини ривожлантиришга тегишли. У ўз ичига нафақат машина техникасидаги тараққиётни, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технологиясидаги, фанни ривожлантиришдаги, илғор тажрибадан фойдаланишдаги тараққиётни ҳам олади.

Тупроқни ишлашни яхшилаш, қўшимча органик ва минерал ўғитлар солиш, мелиоратив ишларни ўтказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари қуйидагилар:

а).қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;

б).қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;

в).қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш.

г).ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;

д).қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларни қўллаш)

е).қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш)

ж).қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

Интенсивлаштиришни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим шарти қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўсишидир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан саноат асосига ўтказишга имкон берувчи кучни иқтисодий потенциалдан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, тракторлар, комбайнлар, автомобиллар ва бошқа техникаларни етказиб беришни кўпайтириш ишлаб чиқариш жараёнларида механизациялаштириш даражасини аста-секинлик билан оширишнинг деҳқончиликда ва чорвачиликда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш жорий қилишнинг ишончли асоси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда шудгорлаш, ғалла экиш, пахта экиш, қатор ораларига ишлов бериш, ғаллани йиғиштириш ишлари тўлиқ механизациялашган.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг етакчи йўналишларидан бири кимёлаштиришдир. Органик ва минерал ўғитларни солиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, қўшимча маблағлар қайтимини тезлаштиришга имкон беради ва бевосита тупроқ унумдорлигини ўзгартиришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши мелиорация ҳисобланади. Бу тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишнинг ва деҳқончилик самарадорлигини оширишнинг комплекс ва узоқ муддат таъсир қилувчи омилидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг юқори фан-техника даражасига фан ютуқларининг ролини ҳар томонлама ошириш базасида эришилиши мумкин. Олимлар диққатини қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли навларини ва моллар ва паррандаларнинг юқори маҳсулли зотларини яратишга, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқишга, самарали технологик жараёнлар ва механизациянинг янги воситаларини ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалигининг техник даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг шаклларини такомиллаштиришга ва бошқаларга қаратиш долзарб вазифадир.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқаришга қўйилган, сарфланган ҳар бир сўмдан анча оқилона фойдаланишни кўзлайди. Изчил интенсивлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сифат жиҳатдан қайта ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг етакчи омили ҳисобланади.

2-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили

2.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароити

Фермер хўжалигини ривожланиши натижасида дехқоннинг ерга ва мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб уни ҳақиқий мулк эгасига, ернинг хўжайинига айлантирилмоқда. Натижада фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган энг самарали хўжалик юритиш шаклига айланди. Бу соҳада фермер хўжаликларини моддий-техника таъминотини амалга ошириш ва молиялаштириш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган иқтисодий тизимни шакллантирилиши ва самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлаштиришнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Шунини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармонида ҳам фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Фермер хўжалигини истиқболдаги ривожланиши ва иқтисодий самарадорлиги кўп жihatдан хўжаликнинг жойлашган ўрни, тупроғининг таркиби, табиий иқлим шароитлари, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик мустақиллиги ва ҳамда мавжуд техникадан самарали фойдаланиш ва агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш учун зарур бўлган билимлар, ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис-кадрларга, ҳамда бошқарув услубларига бевосита боғлиқдир.

Шу жихатдан битирув малакавий ишни бажариш учун Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг бу соҳадаги кўрсаткичларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги Агробанкнинг Куйганёр бўлимида ўз ҳисоб рақамини очган булиб, банк х/р 2020800080567749001, МФО 00045 солиқ тўловчининг ИНН 206176291 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги пахта-ғалла йўналишига ихтисослашган бўлиб қонунда таъқиқланмаган ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлидир. Ер участкасининг ижара шартномаси 10 банддан иборат бўлиб, улар шартноманинг мавзуси, ижара ҳақи, ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш, шартноманинг алоҳида шартлари ва якуний қоидалар каби масалаларни ўз ичига олади. Шартнома таркибидан кўришиб турибдики у жуда мукамал тузилган бўлиб, бу соҳада вужудга келадиган барча келишмовчиликлар уни асосида ҳал қилиниши мумкин. Ушбу масала бўйича низолар суд ҳайатида кўрилганда ҳам ушбу шартнома суд қарори учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидан ижарага олинган ер участкасини мажбуран қайтариб олиниши жуда қийин ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Бу яна бир марта фермер хўжалигини давлат томонидан ҳуқуқий жихатдан қўллаб қувватлашнинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўналишига ихтисослашган. Ушбу фермер хўжалиги 45 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида булиб ер ости сувларидан 3-4 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган.

Андижон вилояти, Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги 2006 йил 29 декабрдаги Андижон туман ҳокимининг 1454-сонли қарори билан ташкил этилган. Тумандаги И.Патидинов массиви ҳудудида жойлашган «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг жами ер участкаси 91.7 гектар бўлиб, уни 85.9 гектарини экин майдонлари ташкил этади, фермер хўжалиги ер участкасининг 5.8 гектарини эса фермер хўжалигига қарашли бўлган иморатлар эгаллаган ер участкалари, тутзорлар, йўллар ва сув йўлларида иборат бўлган ерлар ташкил этади.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, фермер хўжалигида давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла етиштирилади. Фермер хўжалигига бириктирилган ер участкасининг ижара шартномаси Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни талабларига мос ҳолатда тузилган бўлиб, улар шартноманинг мавзуси, ижара ҳақи, ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш, шартноманинг алоҳида шартлари ва якуний қоидалар каби масалаларни ўз ичига олади. Шартнома таркибидан кўриниб турибдики, у жуда мукамал тузилган бўлиб, бу соҳада вужудга келадиган барча келишмовчиликлар мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида ҳал қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалиги билан тузилган ижара шартномасини мажбуран бузилиши жуда қийин ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Бу яна бир марта мамлакатимизда амалдаги фермер хўжаликларини давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжалиги ҳудудидаги иқлим ва табиий шароити пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жуда

кулайдир. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги ҳудудида йил давомида 3220 соат қуёшли кунлар бўлишига тўғри келади. Йилнинг иссиқ кунлари 6 ойни ташкил этади.

Энг иссиқ кунлар ўртача кеча-кундуз бўйича 36-40°C бўлса, айрим кунлар 40-42°C бўлади. 2012 йилда самарали харорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди. Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 165 кунни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларида хўжалик юритишнинг, ерга эгалик ва ундан фойдаланишнинг энг замонавий шакллари мужассамланиши, бошқариш тизимининг бозор муносабатларига мос ҳолда такомиллаштирилиши, экинлар структурасининг бозор талабига қараб мослаштирилиши, маҳсулот етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчилар ҳамда маҳсулот сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг шартнома асосида олиб борилиши, мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий барқарорликни таъминловчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра мустақилликдан олдинги даврда маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган шартнома муносабатларига катта эҳтиёж сезилмаган, чунки у даврда бошқарув тизими маъмурий усулда ташкил этилган, мустақиллик йилларида эса мазкур муносабатлар бозор иқтисодиётига мос механизмлар билан алмаштирилди. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва эркин иқтисодий муносабатларга йўл очилиши туфайли, олди-сотди шартномасига бўлган муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди ва бошқа тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва турли хизматлар кўрсатиш масалалари тўлалигича шартномалар асосида ташкил этилмоқда.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги вилоят марказидан 15 км, туман марказидан эса 7 км узоқликда жойлашган

бўлиб, Андижон-Шўро магистрал йўлига яқин жойлашган. Хўжалик туман дон кабул қилиш шохобчасидан 12 км, пахта тозалаш заводидан 5 км, ОАЖ МТПдан 8 км Узқимё пунктидан 12 км, Нефтбаза шохобчасидан эса 19 км, пиллакашлик корхонасидан 7 км узоқликдаги масофада жойлашган. Фермер хўжалиги “Турғунбой Каримов тимсоли” СФУга аъзо бўлиб хўжаликнинг экин майдонлари Тожиқ ариқ сув иншооти сувлари билан суғорилади.

Фермер хўжалигининг географик жойлашуви магистрал автомобил йўлига яқин жойлашганлиги туфайли хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятлар учун зарур бўлган моддий ресурсларни ташиб келтириш ва етиштирилган ҳосилни ортиқча нобудгарчиликларсиз бирламчи қайта ишловчи ва сақловчи пунктларигача осон ташиб олиш имконини беради.»Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги шимол тарафидан “Зарафшон” боғдорчилик фермер хўжалиги билан, шарқдан “Янгиобод нурли шуласи” фермер хўжалиги билан , жануб томонидан “Азим шаршара булоғи” фермер хўжалиги билан ва ғарбдан “Турсунбой” фермер хўжалиги билан чегарадош ҳисобланади.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигига молиявий хизмат кўрсатувчи банк Микрокредит банкнинг вилоят амалиёт бўлими ҳисобланади ва хўжаликнинг реквизи́тлари- ҳисоб рақами 20208000904566282001, ИИН 300109154, МФО-00078 шу банкда очилган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришни таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2009 йилда “Патиддинов саховати” фермер хўжалигига қарашли 34 гектар, 2011 йилда эса “Янгиобод юлдузли кечаси” фермер хўжалигига қарашли 18 гектарли экин майдонлари қўшилиб «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигига қарашли экин майдонлари 2013 йилга келиб 85,9 гектарга

етди. Шундан охириги ҳисобот йилида 51,2 гектарига пахта, 34,7 гектарига буғдой экилди.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг охириги уч йилдаги фаолиятини тахлилини қуйидаги манбалар орқали кўриб чиқамиз.

**Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигига
ижарага берилган ер участкаларининг тупроқ бонитет баллари
тўғрисидаги маълумот**

1-жадвал

Т/р	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони	Ўртача бонитет балл	Карталар сони
	Кадастр гуруҳи	синф				
1	1 кадастр гуруҳи	1-синф	0 дан 10гача			
		2-синф	11 дан 20гача			
2	2 кадастр гуруҳи	3-синф	21 дан 30гача			
		4-синф	31 дан 40гача			
3	3 кадастр гуруҳи	5-синф	41 дан 50гача			
		6-синф	51 дан 60гача			
4	4 кадастр гуруҳи	7-синф	61дан 70гача	53.7	64.5	7
		8-синф	71 дан 80гача	32.2	76	3
5	5 кадастр гуруҳи	9-синф	81 дан 90гача			
		10-синф	91дан 100гача			
	Жами:			85,9	69,7	10

1-жадвалда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот берилган. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигига ижарага берилган экин майдонларининг ҳажми 85,9 гектарни ташкил этиб, 4 кадастр гуруҳи 7 синфининг 61-70 гача ва 8 синфининг 71-80 гача бонитет балида жойлашган бўлиб, ўртача тупроқ бонитет бали 69,7 балл билан баҳоланган бўлиб, 10 та суғориш картасидан иборат.

Жумладан 85,9 гектари экин майдони бўлиб, шундан 51,2 гектарига пахта, 34,7 гектарига буғдой экилган. 1-контур 23,9 гектар, бонитети 60 балл, 2-контур 14,7 гектар, бонитети 60 балл, 3-контур 20,4 гектар, бонитети 63 балл, 4-контур 11,9 гектар, бонитети 58 балл, 5-контур 10 гектар, бонитети 58 баллдан иборат. Суғориш картасининг ҳажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юқоридаги талабларга жавоб бера олиши учун суғориш карталарининг ҳажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000 метрдан кам бўлмаслиги керак. Бу жиҳатдан фермер хўжалигида суғориш карталарига кўйилган талабларга тўла жавоб беради. Хўжалик ерлари пахта ва буғдой етиштириш учун анча қулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи оч тусли бўз тупроқ, тупроқдаги фосфор миқдори 32-43 мг/кг, калий 100-188 мг/кг ни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тоннани азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги пахта-ғалла йўналишига ихтисослашган бўлиб қонунда таъқиқланмаган ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлидир. Ер участкасининг ижара шартномаси 10 банддан иборат бўлиб, улар шартноманинг мавзуси, ижара ҳақи, ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш, шартноманинг алоҳида шартлари ва яқуний қоидалар каби масалаларни ўз ичига олади. Шартнома таркибидан кўришиб турибдики у жуда мукамал тузилган бўлиб, бу соҳада вужудга келадиган барча келишмовчиликлар уни асосида ҳал қилиниши мумкин. Ушбу масала бўйича низолар суд ҳайатида кўрилганда ҳам ушбу шартнома суд қарори учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидан ижарага олинган ер участкасини мажбуран қайтариб олинishi жуда қийин ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Бу яна бир марта фермер хўжалигини давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда турли савдо дўконлари, кассобхоналар, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар ва бошқа турли инфратузилма субъектлари мавжуддир.

Қўйилган мақсадга мувофиқ – ўз ишини қандай бошлаш, ишлаб чиқаришни қандай самарали юрғизиш ва товарни бозорга олиб чиқиш, янги ишлаб чиқаришни ким ташкил этади ва қачон даромад олинади, таваккалчиликни қандай камайтириш, оёққа туриб олиш ҳамда рақобат кўрашида ютиб чиқиш – саволларига ва бошқаларга тадбиркор ўзининг бизнес режасини ишлаб чиқишда жавоб олади.

Хўжалик ҳар ҳосил йили учун алоҳида бизнес режа тузиб фаолият юритади. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг охириги 3 йилдаги пахта ва дон маҳсулотлари етиштириш бизнес режалари ва уларнинг бажарилиши таҳлил қилинганда, экин майдонининг бонитет баллидан келиб чиқиб белгиланган 1 гектардан етиштирилиши лозим бўлган режадаги ҳосилдорлик ортиғи билан бажарилиши сабабли ялпи ҳосил етиштириш режаси ҳам ошириб бажарилганининг гувоҳи бўлдик. Буни биз навбатдаги бўлим жадвалларида кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалиги экин майдонлари таркиби ва хўжаликда ходимлар сони ҳақидаги батафсил маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги йилларда фермер хўжалигининг жами экин майдони таҳлил этилаётган 2012-2014 йилларда хажми ўзгармаган. Экин майдони таҳлил даврида 77,3 гектар ҳолатда ўзгармаган.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили»

фермер хўжалигини экин майдонлари ва унинг таркиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир- лиги	2012 й.		2013 й.		2014 й.		2014 й. 2012 й. га нисб, %
			мик- дори	%	мик- дори	%	мик- дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	85,9	100	85,9	100	85,9	100	100,0
2	Шундан: - Пахта	га	51,4	59,8	51,6	60,1	51,2	59,6	99,6
	хосилдорлик	ц/га	31,3	х	32	х	31,5	х	100,6
	ялпи ҳосил	ц	1608,8	х	1651,2	х	1612,8	х	100,2
	-Буғдой	га	34,5	40,2	32,3	37,6	34,7	40,4	100,6
	хосилдорлик	ц/га	58,2	х	59,5	х	61,3	х	105,3
	ялпи ҳосил	ц	2007,9	х	1921,9	х	2127,1	х	105,9
4	Ходимлар сони	нафар	42	100	42	100	42	100	100,0
	Шундан: пахтачиликда	нафар	35	83,3	35	83,3	35	83,3	100,0
	дончиликда	нафар	7	16,7	7	16,7	7	16,7	100,0
5	Erни бонитет бали	балл	69,7	х	69,7	х	69,7	х	100,0

Лекин хўжалик деҳқончилик маданиятига амал қилган ҳолда пахта экин майдонини буғдой билан қисман алмаштирган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 51,4 гектардан 51,2 гектаргача камайиб, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 99,6% ни ташкил қилган. Буғдой экилган майдонлар эса 34,5 гектардан 34,7 гектаргача ошган.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 59,8% дан 59,6% га камайган, ғалла майдонларининг улуши эса аксинча 40,2% дан 40,4% га ошган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 0,6% га, буғдой ҳосилдорлиги 5,3% га кўпайган.

Фермер хўжалигида ҳисобот йилида 42 нафар ходимлар фаолият кўрсатиб ундан 35 таси пахтачиликда ва 7 таси ғаллачиликда банд.

Андижон туманидаги «Янгиобод хосили» фермер хўжалигида

1.01.2014 йил ҳолатига мавжуд қишлоқ хўжалиги

техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот

т\р	Кўрсаткичлар	Ҳисобда бори - жами	Шундан: созлари	Салмоғи: %
1.	Тракторлар - жами	2	2	100
	шундан: а) пахта	1	1	100
	б) буғдой	1	1	100
2.	Юк автомобиллари			
3.	Трактор тиркамалари жами	9	9	100
	Шундан: тарасиз юк ташийдиган тиркама			
4.	Трактор оочлар	1	1	100
5.	Экиш техникаси - жами			
6.	Культиваторлар	2	2	100
7.	Ўғит солиш техникаси	1	1	100
8.	Сеялка	2	2	100
9.	Чизел	1	1	100
10.	Ғўзапоя юклагичлар			
11.	Текислагичлар	1	1	100
12.	Ариқ ва канал тозалагичлар	1	1	

Фермер хўжалигида пахта хосилдорлиги юқори булиб, гектарига 31,5 центнерни ташкил этади, ғалла буйича эса ўртача кўрсаткичга эга, яъни гектарига 61,3 центнерни ташкил этади. Лекин хўжаликда пахта ва ғалла хосилдорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани Андижон - 35 нави, буғдойни эса Таня нави экилади. Жумладан, хўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет балли 69 ни ташкил этиб уни кўтариш чора-тадбирларини кўриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин. Ундан ташқари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор.

Фермер хўжалиги уруғлик пахта етиштириб, уни юқори нархларда сотиб келмоқда.

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб,

Ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, кишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз. 3-жадвалда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалиги 2012-2013-2014 йиллари Агро банкдан фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб 30000000дан 45000000 гача сўмга лизингга 1 та ТТЗ-80-11, 1 та УХО русумли трактор ва 2 та бошқа кишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олинган. Бундан ташқари кишлоқ хўжалиги техникаларига керакли кишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган. Улар жумласига 2 та культиватор, 2 та сеялка, 1 та чизел, 1 та ер текислаш агрегати, 1 та омоч, 4 та тиркама, 1 та шарбат ташийдиган маҳсус бочка ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва кишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ўртача ҳажмдаги ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди. Фермер хўжалигининг ривожланиши имкониятлари кўп жиҳатдан унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Биз ҳам «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий яқунловчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. 4-жадвалда Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили»

фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги анча яхшиланган. Буни биз самарарадорликнинг яқунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин.

1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ва фермер фойдаси 42 фоизга ҳамда 84,3 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 25,9 фоизга ҳамда иш ҳақи 18,3 фоизга кўтарилган.

4- жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	85,9	85,9	85,9	100,0
	а) пахта	га	51,4	51,6	51,2	99,6
	б) бугдой	га	34,5	34,3	34,7	100,6
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	192560,4	226527,6	256058,3	133,0
	Шундан иш ҳақи	м.с	51406,8	61173,6	68884,9	134,0
3	Ходимлар сони	нафар	42	42	42	100,0
4	Ялпи маҳсулот	м.с	236675,7	281342,4	328893,2	139,0
5	Фойда	м.с	44115,2	54814,8	72834,9	165,1
	1 га ҳисобига:	м.с				
7	а) ялпи маҳсулот	м.с	2755,2	3275,2	3828,8	139,0
	б) фойда	м.с	513,6	638,1	847,9	165,1
	1 ходим ҳисобига:	м.с				
8	а) ялпи маҳсулот	м.с	5635,1	6698,6	7830,8	139,0
	б) иш ҳақи	м.с	964,7	1138,4	1276,6	132,3
9	Рентабеллик	%	22,9	24,2	28,4	+5,5

Рентабеллик даражаси шу даврда 22,9 фоиздан 28,4 фоизга яъни +5,5 даражага кўпайган. Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб

чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади. Биз фаолиятини ўрганаётган Андижон туманидаги «Янгиобод хосили» фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Жумладан Пахта тозалаш заводи билан, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотлари билан биргаликда, Пиллакашлик корхонаси ҳамда нефтбаза билан 1 йиллик шартномалар имзолаб ўз вақтида бажариб келишмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, оптималлаш жараёнларида «Янгиобод хосили» фермер хўжалиги кенгайди. Фермер хўжалигининг кенгайишига сабаб унинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар асосидаги эришилган самарадорлик кўрсаткичлари талаб даражасидан анча паст, яъни оптимал самарадорликни тўла таъминламайди. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида оптимал самарадорликка эришиш рентабелликни камида 40 фоиз бўлишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назар қараганимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни нафақат оптимал даражага етказиш, балки, ундан ҳам юқори даражаларга кўтариш билан боғлиқ бўлган чора тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Бундай маъсулиятли вазифани бажаришда меҳнат жамоасининг роли катта. Хўжалик аъзолари ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумот қуйидаги

5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини аъзолари ва
уларнинг таркиби тугрисида маълумот

№	Аъзоларнинг исми ва шарифи.	Тугил- ган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Шу жумла- дан қишлоқ хўжалигида	Фермер хўжалиги бошлигига қариндош- уруғчилик алоқаси	Қушимча эгаллаган қасби
1	Раззақов Б	1968	м.урта	ф/х раҳбари	23	23	-	-
2	Раззақов Д	1978	м.урта	ф/х ҳисобчи	17	17	Уқаси	-
3	Одилов М	1982	урта	Сувчи	10	7	-	-
4	Тожибоев Б	1978	урта	Сувчи	15	13	-	-
5	Тожибоев Х	1984	урта	Сувчи	11	9	-	-
6	Ақчаев К	1977	урта	Сувчи	13	13	-	-
7	Мамажонов Х	1975	урта	Ишчи	15	8	-	-
8	Дадабоев А	1984	урта	Ишчи	9	8	-	-
9	Саидалиева У	1983	урта	Ишчи	11	10	-	-
10	Ҳасанов Ш	1978	урта	Ишчи	14	12	-	-
11	Ҳасанова Б	1985	урта	Ишчи	12	7	-	-
12	Омонбоева С	1977	урта	Ишчи	16	15	-	-
13	Омонбоев А	1979	урта	Ишчи	11	11	-	-
14	Нишонев Р	1986	урта	Ишчи	8	5	-	-
15	Раҳмонов А	1980	урта	Ишчи	10	10	-	-
16	Жалилова С	1976	урта	Ишчи	15	13	-	-
17	Жалилова М	1973	урта	Ишчи	14	12	-	-
18	Одилова Н	1982	урта	Ишчи	8	7	-	-
19	Тожибоева У	1979	урта	Ишчи	11	11	-	-
20	Юнусова О	1984	урта	Ишчи	10	10	-	-
21	Тургунова М	1975	урта	Ишчи	15	12	-	-
22	Қаюмов О	1986	урта	Ишчи	9	9	-	-
23	Ақбаров А	1981	урта	Ишчи	12	11	-	-
24	Баҳромова Р	1974	урта	Ишчи	16	14	-	-
						
38	Азизов К	1976	урта	Сувчи	15	15	-	-
39	Исаков Г	1983	урта	Сувчи	7	5	-	-
40	Исаков Х	1982	урта	Ишчи	11	10	-	-
41	Исакова Б	1974	урта	Ишчи	15	12	-	-
42	Баҳромов М	1977	урта	Сувчи	14	14	-	-
	Жами: 42							

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасада, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 6 нафар аъзоси бўлиб, қолган барча ишчилар 1 йиллик шартнома асосида меҳнат қиладилар.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаётган ҳодимлар сонини таҳлил қиладиган бўлсак 2014 йилда 42 нафарни ташкил этди. 2014 йил ҳолатига 85,9 гектар экин майдонидаги жами 42 нафар ҳодимлардан 35 нафари ёки 77% қисми пахтачиликда, қолган 7 нафари ёки 23% қисми эса ғаллачиликда иш билан банд.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солинади.

Фермер хўжалигини ўрта махсус маълумотли бухгалтер Раззаков Бахтиёр таъсис этган ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини агротехник, ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги массивда ва туманда ўз муносиб обрўсига эга.

Фермер хўжалиги фаолиятининг истиқболдаги иқтисодий кўрсаткичларини режалаштиришда амалдаги илғор меъёрлар, стандартлар, илмий шартлар ва иқтисодий мақсадлардан тўлиқ фойдаланиш зарур.

Ушбу мақсадларни қуйидагича гуруҳлаш ва ифодалаш мумкин.

1. Иқтисодий ўсиш - фермер хўжалигининг иложи борича кўпроқ миқдорда ва юқори сифатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга интилиши.
2. Тўлиқ бандлик - ижро қобилиятли ва ишлашни хоҳловчи барча ишчиларни иш билан таоминлаш.
3. Иқтисодий эркинлик - барча ишловчи мутахассисларга ўз фаолият доирасида юқори даражада эркинликка эришишларига имкон яратаиш.

4. Даромадни адолатли тақсимлаш - барча ходимлар тоифасини тақдирлашни йўлга қўйиш.

5. Иқтисодий самарадорлик, мавжуд чекланган ресурслардан улардан фойдаланишга минимал харажат сарфланган ҳолда максимал самара омилини таъминлаш.

4. Хўжаликни охириги уч йиллик иқтисодий фаолиятини ўзида акс эттирувчи хисоботларни, бизнес режаларни ва бошқа маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Фермер хўжалигида эришилган рентабеллик оптимал даражадан паст, лекин олиб борилаётган иш суръати шу тарзда амалга оширилса яқин йиллар ичида рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган ишлаб чиқариш имкониятини беради. Хўжаликда харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Бу соҳада фермер хўжалиги бошлиғининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги ҳам алоҳида ўрин тутади. У мавжуд ресурслардан тўғри ва оўилона фойдаланишга алоҳида эътибор беради ва уни иқтисодий жиҳатдан қаттиқ назорат қилади. Фермер хўжалигини бошлиғи тажрибали иқтисодчи-бухгалтер сифатида ўз касбини малакали ва тажрибали мутухасиси бўлиб хисобланади. У фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишга, ҳамда даромад келтирмайдиган харажатлардан фойдаланишни қисқартиришни ва олинадиган фойдани хажмини кўпайтиришга мунтазам ҳаракат қилади.

Фермер хўжалигини бошқаришда бошқарув кадрларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилиб бу соҳада яхши натижаларга эришилган. Буни биз фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини кескин кўтарилиб бораётганидан яққол кўришимиз мумкин.

Бошқарув кадрларидан самарали фойдаланишда уларнинг сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор билан қаралмоғи лозим. Сифат кўрсаткичларига асосан қуйидагилар киради; ходимларнинг ёш, жинс, маълумот, касб-малака, тажриба-кўникма таркиби билан фойдаланади. Шунингдек, ходимлар штат жадвалининг маъмурий, бошқарув, махсус, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи каби персоналларга бўлинишини ҳам уларнинг сифат кўрсаткичлари деб қараш мумкин. Фермер хўжалигида кадрлари таркибининг сифат кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, фаолияти шунчалик даражада ривожланади. Ўзида олий кўрсаткичли меҳнат потенциалига эга бўлган фермер хўжалиги юқори рақобатбардошликка эга бўлади. Чунки, фермер хўжалигини ривожини айнан малакали кадрлар таъминлайди. Шу боис бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари уларни ишга олиш учун ҳаракат қиладилар ва бунинг учун ўзаро «курашади»лар. Мазкур рақобатда улар қулай меҳнат шароити ва юқори иш ҳақини асосий қурол қилиб оладилар. Демак, миқдор ва сифат кўрсаткичларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда мутаносиблиги фермер хўжалигида бошқарув кадрларидан самарали фойдаланишда унумдорлик ва тараққиётнинг бош омилidir.

2.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг ҳозирги ҳолатдаги иқтисодий кўрсаткичлари

Аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда эркин иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, шу билан биргаликда

етақчи тармоқ ҳисобланган пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини кескин камайиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган.

Шунинг учун ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунга эришиш учун нафақат маҳсулот миқдорида балки сифатига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Шунинг учун хўжаликда маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири сифатида етиштириладиган экин ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратиши лозим. Бунга албатта ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этган ҳолда хўжалик аъзолари бир ёқадан бош чиқариб пахта майдонларида ўтказилиши зарур бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга ошириб, ҳосилни эртароқ ҳес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга эришилса кўзда тутилган миқдор, юқори сифат ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш фақат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган истеъмолни тўлиқ қондирибгина қолмай, балки у қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Шунинг учун маҳсулот сифатини ошириш – бу пировард натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий истеъмолни тўлароқ қондиришдир.

Маълумки, соф даромад ва фойда – икки ҳил иқтисодий категориядир. Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда – товар маҳсулотини сотишдан олинган қисминигина ифодалайди. Соф даромаднинг бир қисми баҳо ва солиқ сиёсати ҳамда ҳар ҳил тўловлар орқали давлат ва маҳаллий бюджетларга бориб тушади, умумхалқ эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Шу нуқтаи назардан «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини ва моддий техника ресурсларидан самарали

фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликка эришишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ҳам асосий экин майдони буғдой етиштиришга мўлжалланган. Бу соҳада олиб борилаётган ишларни қуйидаги 6-жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

6-жадвал

Андижон вилояти Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	34,5	32,3	34,7	100,6
2	Хосилдорлик	ц/га	58,2	59,5	61,3	105,3
3	Ялпи ҳосил	ц	2007,9	1921,85	2127,11	105,9
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	78334,2	84029,0	103164,8	131,7
	Шундан иш хаки	м.с	7050,1	7058,4	8665,8	122,9
5	Ходимлар сони	нафар	7	7	7	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	109739,8	118699,2	148259,6	135,1
7	Фойда	м.с	31405,6	34670,2	45094,7	143,6
9	1ц бугдойни таннари	сум	39013	43723	48500	124,3
10	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сум	54654	61763	69700	127,5
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	3180,9	3674,9	4272,6	134,3
	б) фойда	м.с	910,3	1073,4	1299,6	142,8
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	15677,1	16957,0	21179,9	135,1
	б) иш хаки	м.с	1007,2	1008,3	1238,0	122,9
13	Рентабеллик	%	40,1	41,3	43,7	+3,6

6-жадвалда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилиб борган. Яъни буғдой ишлаб чиқаришнинг асосий яқунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик 40,1 фоиздан 43,7 фоизга ёки +3,6 даражага кўтарилган. Бунинг асосий сабаби ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига караганда устун даражада ўсишидир. Ундан ташқари фермер хўжалигини бошқа хусусий кўрсаткичлар ҳам охириги уч йилда кескин яхшиланган. Жумладан, бир ходим ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати 29,8% га ошган. Лекин, «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги ҳали талаб даражасидан анча паст.

Уни камида 55-60 фоизга кўтариш чораларини кўриш керак. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга тўла эга бўлмайди. Бизга яхши маълумки, буғдой етиштиришда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл кўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича зарар кўришига олиб келади.

Андижон вилояти Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг буғдой етиштириш учун сарфланган хомашё ва материаллар таркибини ўрганиш мақсадида 7-жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида 2012-2014

йиллар ичида буғдой етиштириш учун сарфланган хомашёлар

Т/р	Моддий харажатлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		1гектар учун	жами	1гектар учун	жами	1гектар учун	Жами
1	Уруғлик (кг)	250	8875	250	8075	250	9675
2	Минерал ўғитлар (кг)	492	17466	541	17474,3	594	22987,8
3	Ёнилғи (л)	129	4579,5	134	4328,2	137	5301,9

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, буғдой экин майдонига нисбатан норматив асосида белгиланган лимитдаги уруғлик сарфланган. Яъни хар гектар буғдой экин майдони учун 250 кг дан уруғ сепилган. Минерал ўғит ва ёнилғи сарфи йилдан-йилга ортиб бормокда. Бу эса бевосита буғдой ҳосилдорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи харажатлар ҳисобланади.

8- жадвал

Андижон вилояти Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2012 й.		2013 й.		2014 й.	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1.	Моддий харажатлар	57301,5	73,2	62013,4	73,8	77270,5	74,9
	а) уруғлик	17190,4	30	19472,2	31,4	25499,3	33
	б) ўғитлар	16617,4	29	11224,4	18,1	20090,3	26
	в) Ё.М.М	18336,5	32	20154,4	32,5	26272,0	34
	г) иш ва хизматлар	2865,1	5	7999,7	12,9	3863,5	5
	д) бошқа моддий харажат	2292,1	4	3162,7	5,1	1545,4	2
2.	Меҳнат хақи харажатлари	7050,1	9	7058,4	8,4	8665,8	8,4
3.	Ижтимоий ажратма	1762,5	2,3	1764,6	2,1	2166,5	2,1
4.	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	7441,7	9,5	7058,4	8,4	9594,3	9,3
5.	Бошқа харажатлар	4778,4	6,1	6134,1	7,3	5467,7	5,3
Жами харажатлар		78334,2	100	84029,0	100	103164,8	100

Республикада бошоқли дон маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган барча турдаги харажатлар таркибига меҳнатга тўланган ҳақ ажратмалари билан охириги 3 йилда 9 фоиздан 8.4 фоизга камайган, уруғлик харажатлари эса 30 фоиздан 33 фоизга, сарфланган барча кимёвий воситалар харажати эса ошмаган ҳолда 26 фоизни ташкил этган. Муқобил машина трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатлар ошмаган ҳолда 5 фоизни ташкил этган, ёқилғи мойлаш материаллари билан боғлиқ бўлган харажатлар салмоғи 34 фоизга тўғри келган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда охириги 3 йилда ишлаб чиқариш харажатлардаги моддий харажатларнинг улуши анча кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий харажатлар таркибига буғдой ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида узоқ муддатга ижарага олинган ер участкасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони эчишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу тадбирлар 27-30 минг гектарда амалга оширилмоқда. Бу, сўзсиз, камдир. Агарда бу муҳим тадбир қишлоқ хўжалик корхоналарига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати этмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссадорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Буғдой етиштириш ҳажмини ва сифатини яхшилаш фақат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган истеъмолни тўлиқ қондирибгина қолмай, балки у

қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Шунинг учун маҳсулот сифатини ошириш – бу пировард натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий истеъмолни тўлароқ қондиришдир. 9-жадвалда хўжаликнинг буғдой етиштиришдаги фаолиятига қиёсий баҳо бериш мақсадида тумандаги ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан таққослама маълумотларни таҳлил қилиб чиқамиз.

9-жадвал

**«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг
Андижон туманининг 2014 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан
таққослама таҳлили**

11-жадвал.

№	Курсаткичлар	Ул чов бир лиги	Андижон тумани	«Янгиобод хосили» фермер хўжалиги	Фарқи %
1	Экин майдони	га.	4322	34,7	X
2	Хосилдорлик	ц\га	57,7	61,3	106
3	Ялпи ҳосил	ц	249550	1318,6	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари				
5	1ц буғдой таннархи	сум	31710	30130	95
6	1ц буғдой сотиш баҳоси	сум	44010	48250	109
7	Ялпи маҳсулот	м.с	10982000	91936	X
8	Фойда	м.с	3070000	27954	X
9	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот б) фойда	м.с м.с	2245,4 631,0	2350,2 701,1	104,7 111,1
10	Рентабеллик	%	38,8	43,6	1,1 марта

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мазкур хўжаликда Андижон туманидаги жами фермер хўжаликларига пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқори натижаларга эришилган. Жумладан 1 ц буғдойни сотиш бахоси туманнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан 109% ни ташкил этади. Бунинг сабаби сифатида эса етиштирилган буғдойнинг юқори навларганига сотилиши хисобланади. Асосий таққослама кўрсаткичлардан бўлган 1 центнер буғдойнинг таннархи «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида туманга нисбатан 95% ни ташкил қилади.

Таққослаш мумкин бўлган яна бир кўрсаткичи 2014 йилда 1 гектар хисобига олинган ялпи маҳсулот «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида 4.7 % га кўпроқ. Жадвал маълумотларидан яна кўришиб турибдики, «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида рентабеллик даражаси бир оз баландроқ. Иқтисодий самарадорликнинг якуний ва асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси эса Андижон туманида ўртача 38,8% ни ташкил этган 2014 йилда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида 43,6% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар хўжаликнинг ғаллачилик соҳасида тумандаги фермер хўжаликларига нисбатан юқори тажрибага эга эканлигидан, замон талабларига мос ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувни йўлга қўя олганлигидан далолат беради

Демак «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларига ва мос ҳолда таннархга нисбатан ялпи маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши таъминланган. Шунинг ҳисобига ердан фойдаланишда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик юқори даражада. Илғор фермер хўжаликлардан бири бўлган бу хўжаликда ҳам буғдой етиштиришнинг оптимал рентабеллик даражасига эришиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида буғдой етиштириш самарадорлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган ривожланиш дастури тузиш тавсия этилади.

Пахта етиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш аграр соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг асосий вазифасидир. Чунки пахта хом ашёси саноат корхоналари учун ўта муҳим ва зарурий маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари, пахта хом ашёси республикага валюта тушумининг салмоқли қисмини таъминлаб берувчи муҳим стратегик товар ҳисобланади.

Пахта етиштиришда кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, пахта етиштиришни кўпайтириш экин майдонлари ҳисобига эмас, аксинча харажатларни камайтириб, ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига эришилмоқда.

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида 51,2 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 2014 йилда гектарига 31,5 центнердан юқори ҳосил олинган. Пахта майдони таҳлил даврида 0,4%га камайган.

10-жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	51,4	51,6	51,2	99,6
2	Ҳосилдорлик	ц/га	31,3	32	31,5	100,6
3	Ялпи ҳосил	ц	1608,8	1651,2	1612,8	100,2
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	114226,2	142498,6	152893,4	133,9
	Шундан иш хаки	м.с	33468,3	40754,6	44950,7	134,3
5	Ходимлар сони	нафар	35	35	35	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	126935,9	162643,2	180633,6	142,3
7	Фойда	м.с	12709,7	20144,6	27740,2	218,3
9	1ц пахтани таннархи	сум	71000	86300	94800	133,5
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	78900	98500	112000	142,0
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2469,6	3152,0	3528,0	142,9
	б) фойда	м.с	247,3	390,4	541,8	219,1
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	3626,7	4646,9	5161,0	142,3
	б) иш хаки	м.с	956,2	1164,4	1284,3	134,3
13	Рентабеллик	%	11,1	14,1	18,1	+7,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2012-2014 йилларда иқтисодий самарадорлик анча ошган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 11,1% дан 18,1%гача ошган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

Рентабеллик ошишининг омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2013-2014 йилларда ишлаб чиқариш ҳаражатлари 33,9%га ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 42,3%га ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда микдори таҳлил даврида 12709,7 минг сўмдан 27740,2 минг сўмгача етган ёки 118%га ошган.

Ишлаб чиқариш ҳаражатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин.

1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 2469,6 минг сўмдан 3528,0 минг сўмга етган ёки 42,9 фоизга ошган. Фермер хўжалигининг 1 гектардан олинган фойдаси эса 2012 йилдаги 247 минг сўмдан 2014 йилда 539 минг сўмгача етган.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида таннарх 2012 йилдаги 71000 минг сўмдан 2014 йилда 94800 минг сўмга етган ёки 33,5 фоизга ошган. Давлат буюртмаси учун контрактация шартномаси асосида етиштирилган 1 ц пахтанинг сотиш баҳоси 2012 йилдаги 78900 минг сўмдан 2014 йилда 112000 минг сўмга етган ёки 42 фоизга ошган.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг

маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча харажатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш харажатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

11-жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.

№	Харажатлар тури	2012 й		2013 й		2014 й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий харажатлар	60083,0	52,6	72246,8	50,7	82103,8	53,7
	а) уруглик	10623,0	9,3	12254,9	8,6	12384,4	8,1
	б) угитлар	14164,1	12,4	17954,8	12,6	22475,3	14,7
	в) Ё.М.М	12222,2	10,7	16672,3	11,7	20029,0	13,1
	г) иш ва хизматлар	11879,5	10,4	10829,9	7,6	14066,2	9,2
	д) бошқа моддий харажатлар	11194,2	9,8	14534,9	10,2	13148,8	8,6
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	35410,1	31	42322,1	29,7	44950,7	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	8498,4	7,4	10580,5	7,4	11237,7	7,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	7538,9	6,6	12682,4	8,9	8714,9	5,7
5	Бошқа харажатлар	2741,4	2,4	4560,0	3,2	5810,0	3,8
	жами	114226,2	100	142498,6	100	152893,4	100

Пахта етиштириш жараёнида пахта таннарихига кирувчи ҳаражатларни кўриб чиқадиган бўлсак, шу Низомга асосан моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар киради. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгаришини 11-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар барча элементлар бўйича 2012 йилга нисбатан ортган. Жумладан, моддий ҳаражатлар жами ишлаб чиқариш ҳаражатларининг салмоқли 52-53 фоизини ташкил этган.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида минерал ўғитлар учун ҳаражатлар 2012 йилда 14164,1 минг сўмдан 2014 йилда 22475,3 минг сўмга етган. Жами ҳаражатлар таркибида эса 14,7%ни ташкил этган.

Пахта етиштириш жараёнида дехконнинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини урни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси учун ҳаражатлар салмоқли ахамият касб этади. Таҳлил даврида «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ёқилғига 12222,2 минг сўмдан 20029,0 минг сўмгача, яъни жами ҳаражатларнинг 10,7-13,1 фоизи микдорида ҳаражат килинган.

Фермер хўжалиги аъзолари иш ҳақи тулаш учун ҳаражатлар жамига нисбатан 29,4 фоизни ташкил этган. Иш ҳақи фондига 2012 йилда 35410,1 минг сўмдан 2014 йилда 44950,7 минг сўмга етган.

12-жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини сотилган жами пахтасини навлар буйича тақсимланиши.

Сотиш навлари	Синфлар	2011 й		2012 й		2013 й	
		мик-дори, ц	%	мик-дори, ц	%	мик-дори, ц	%
I	1	887	55	89802	54	83041	51
	2	88	5,5	17462	10,5	55469	34,3
	3						
	Жами	972					
II	1	155	9,6	14135	8,5	10906	6,7
	2						
	3						
	Жами						
III	1	193	12,2	18293	11	1572	0,97
	2						
	3						
IV	1	159	9,7	11641	7	3266	2
	2						
	3						
V	3	129	8	14967	9	8096	5
ХАММАСИ		1611	100	1663	100	1623,5	100

Етиштирилган пахта ҳосилининг ялпи маҳсулоти микдори тайёрлов корхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. Энди хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 12-жадвалда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар буйича тақсимланиши акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 60,5 фоизи ёки 975 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. Бундан ташқари, 155 ц ёки 9,6%

пахта 2-навга, 193 ц ёки 12,2% пахта 3-навга, ниҳоят 159 ц ёки 9,7% пахта энг паст 5-навга топширилган.

2013-2014 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2014 йилда 85,4% пахта 1-навга топширилган. 1-навдаги пахта учун олинган ҳақ жами 64,2 млн сўм миқдоридан бўлган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида суғориш учун сув билан таъминланганлик даражаси яхши эмас. Ҳозирги кунда каналдан олинган сув меъёридан кўра 2012 йилда 13% га кам бўлган. Бу ҳолат ғўза агротехникасининг бузилишига, 1-2 марта ёзги суғоришдан қолишига олиб келган. Шу нуқтаи назардан каналдан сув тортиш учун кўшни фермерлар билан СФУ га уюшган ҳолда ҳамкорликда насос ўрнатиш орқали сув таъминотини яхшилаш зарур эди. Тегишли чораларни ўз вақтида кўриш натижасида бу ҳолат 2013-2014 йилларда яхшиланди. Энди суғориш бўйича пахтада ҳам, ғаллада ҳам муаммо кузатилмади.

Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта етиштиришни 25-30% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Энди «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида жадал ривожлантириш даражасини белгиловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига киришамиз.

13-жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг пахтачилик тармоғида жадал ривожлантириш даражасини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар

№	Жадал ривожлантириш даражасини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012й	2013 й	2014 й	2014 й дан 2012 йга нисбатан %
1	1 гектар ҳисобига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳаражатлари:	минг сўм	2570,0	2782,6	3007,5	117
2	1 гектар ҳисобига тўғри келадиган моддий ҳаражатлар:	минг сўм	1138,5	1252,2	1332,9	117
	Шу жумладан а) ўғитлар	минг сўм	276	349	435	158
	б) иш ва хизматлар	минг сўм	232	210	272	118
3	1 гектар ҳисобига иш хақи ҳаражатлари	минг сўм	744	838	938	126
4	1 гектар ҳисобига тўғри келадиган ходимлар.	нафар	0,7	0,7	0,7	100

13-жадвалда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг пахтачилик тармоғини жадал ривожлантириш даражасини белгиловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигида пахтачилик тармоғини жадал ривожлантириш даражаси кескин кўтарилган. Буни биз 1 гектар ҳисобига тугри келадиган ишлаб чиқариш ҳаражатларини 17% га ошганлигидан яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида жадал ривожлантиришнинг бошқа иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланган. Жумладан, 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган моддий ҳаражатлар 17% га кўпайиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Сабаби моддий ҳаражатлар таркибига уруғлик, ўғитлар, ЁММ, иш ва хизматлар кириб улар пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Яъни моддий ҳаражатлар пахта ҳосилдорлигини ошириб жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини яхшиланишига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатади.

Фермер хўжалигида 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган ходимлар сони бир оз камайган холда уларга тўланадиган меҳнат ҳақи харажатлари эса 26 % га ошган.

14–жадвал

Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг пахтачилик тармоғида жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги.

№	Жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1.	1 гектар ҳисобига олинади:	Га	-	-	-	-
1.1	Ялпи ҳосил (ҳосилдорлик)	центнер	31,3	32,2	31,7	101
1.2	Ялпи маҳсулот	минг сўм	2905,7	3175,6	3555,9	122
1.3	Фойда	минг сўм	337	394,5	544,3	162
2.	Бир ходим ҳисобига олинди:		-	-	-	-
2.1	Ялпи ҳосил	центнер	46	47	46	100
2.2	Ялпи маҳсулот	минг сўм	4267,3	4681,7	5201,9	121,9
2.3	Фойда	минг сўм	493	579	802	163
2.4	Иш ҳақи	минг сўм	1092,6	1235,6	1372,9	125
2.5	Рентабеллик	%				

14-жадвалда «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг пахтачилик тармоғида жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигида пахтачилик тармоғини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги анча кўтарилган. Буни биз самарадорликнинг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабелликдан яққол кўришимиз мумкин. Пахта ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси охириги уч йилда 10,7 дан 15,7 фоизга ёки +5 даражага кўтарилган.

Лекин, юқорида кўрсатилган фермер хўжалигида эришилган рентабеллик пахтачилик бўйича оптимал даражадан анча паст булиб уни камида 35-40 фоизга кўтариш ва сифат жиҳатдан яхшилаш чор-тадбирларини кўриш керак. Бунга ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш даражасини

кўтариш асосида етиштирилаётган пахта хом-ашёсининг рақобатбардошлигини ошириш билан эришиш мумкин.

3-боб. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини таъминлаш

3.1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир этувчи омилларидан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг йўли сифатидаги интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаш-тиришнинг қуйидаги омиллари муҳим аҳамият касб этади:

1).Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришни бирламчи масалаларидан бири қишлоқда иқтисодий муносабатларини ўзгартириш, деҳқонларга кам харажатлар сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш ҳиссиётига эга бўлган ернинг ҳақиқий эгалик ҳуқуқини қайтариш. Қишлоқда иқтисодий қайта қуришнинг асосида - деҳқонларга мустақил ҳаракат этиш, тадбиркорлик ва ташаббускорликни амалга ошириришга замин ярата оладиган хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ва шаклига асосланган муҳитни яратиш.

2).Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш. Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусиятини унга мутаносиб ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишига бўлган талабни янада оширади. Қишлоқ хўжалигида юритишнинг турли мулкчилик шаклларини кенг ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришга яқин йилларда сақлаш, қайта ишлаш шохобчаларини яратилиши имкониятлари туғилади. Маҳсулотларни нобудгарчилигини олдини олиш билан бир қаторда уларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайишига эришилади.

3).Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш. Ишлаб чиқаришни кимёлаштиришнинг асосида ернинг унумдорлигини ошириш орқали

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ётади:

а). Ҳосилдорликни оширишга қаратилган минерал ўғитларни тадбир этиш тадбирлари;

б). Кимёвий воситалардан бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари;

в). Ўсимлик ва чорва моллари зараркунанда ҳашоратлари ва касалликларига қарши курашишда кимёвий воситалардан фойдаланиш;

г). Чорва молларини тўйимлигини оширишда кимёвий чиқарилган маҳсулотларини кенг кўламда қўлланишига қаратилган тадбирлар.

д). Қишлоқ хўжалигида, Кимё саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кенг кўламда қўлланилишига қаратилган тадбирлар.

4). Қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўшимчалардан фойдаланиш. Д) Қишлоқ хўжалигида, кимё саноатида, ишлаб чиқаришни оширишда - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш муҳим омиллар жумласига киради.

5). Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш. Деҳқончиликда мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим бўлиб, уларни асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а). Илмий асосланган ўғит меъёрларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа талабчанлигини оптималлаштириш;

б). Қишлоқ хўжалик экинларини интенсив навларини ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш;

в). Ердан ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал схемаларларини ишлаб чиқиш;

г).Қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш орқали агротехника тадбирларини амалга оширишни қисқартириш ва қўшиб олиб бориш;

д).Маҳсулотларни йиғиш, ортиш ва ташишдаги тадбирларни такомиллаштириш.

7).Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш. Фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва ижтимоий

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви тинимсиз юксала боради. Шу билан бирга иқтисодий асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал катта-кичиклиги, уларни меҳнатга мувофиқ ихтисослашувига, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кўтаришга, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этилишига замин яратилиб, натижада маҳсулот етиштиришни самарадорлигини оширишга эришилади.

8).Мутахассисларнинг малакасини ошириш. Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларни тадбиқ этишда кадрларни мутахассислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида мутахассисларни малакасини ошириш биринчидан, мутахассисларга мураккаб ва илгари амалга ошира олмаган ишларни бажариш учун уларни малакасини ошириш ва эгизак касбларни эгаллашига замин яратиш, иккинчидан нисбатан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олиш, учинчидан маълум бир вақт оралиғи давомида аввалдагидан кўпроқ маҳсулот кўламини етиштириш ёки хизматлар ҳажмини бажаришга имкон яратиш.

9).Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларини ошириш ва унинг самарадорлигини кўтаришда фан ютуқлари натижаларини тадбиқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника соҳаларидаги ютуқлар ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтирувчи

муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ресурслари қаторида ишлаб чиқариш жараёнларида иштироқ этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда амалиётда мавжуд бўлган илғор тажрибалар натижасини таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиниши катта аҳамият касб этиб, маҳсулот кўламини кўпайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Интенсив ривожланиш категорияси ўзбек тилида жадал ривожланиш деб аталади (бундан кейинги саҳифаларда жадал ривожланиш деб юритилади). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожланиши назарияси аввало ернинг ўзига хос хусусиятларига, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида тутган ўрнига асосланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида фойдаланилаётган ерларнинг асосий восита сифатидаги ўзига хос хусусиятларига жумладан, уларни чекланганлиги ва ўз унумдорлигини мунтазам ошириб бориши имкониятлари киради.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг жадал ривожлантириш куйидаги омиллар асосида амалга оширилади. Жадаллаштириш жараёнида яхши самара берадиган асосий омиллардан бири бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ҳисобланади. Бунда ходимларни техника билан қуроллантириш даражаси кескин ортиб ишлаб чиқаришдан катта миқдордаги иш кучи сиқиб чиқарилади. Бунинг учун фермер хўжалигини моддий-техника базасини мустахкамлашга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб этилиши талаб қилинади. Лекин, фаолият кўрсатаётган кўп сонли фермер хўжаликларини моддий-техника базасини мустахкамлаш асосида уларни техник-технологик жихатдан қайта қуроллантириш учун етарли бўлган инвестиция манбалари ҳозирги кунда мамлакат ичида мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу масалани қисқа муддатларда самарали ҳал этилиши фермер хўжаликларига катта миқдордаги материал инвестицияларни хориждан жалб этилиши билан боғлиқдир. Бунда асосий эътиборни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишига қаратиш лозим.

Жадаллаштириш жараёнининг асосий омиллардан бири-қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш тизимини такомиллаштиришдир. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш назарияси ерни бирламчи қишлоқ хўжалигига махсулотларини ишлаб чиқариш жараёни тутган ўрни ва ахамиятига асосланади. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни алмаштириб бўлмайдиган, доимий ва асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Ер қишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу аввало уни табиий чекланганлиги ва ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш имконияти билан характерланади. Ернинг бу хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг моддий асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажмини кўпайтиришни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига амалга ошириш имкониятларини чекланганлиги ишлаб чиқаришга қўшимча сармояларни жалб этиш асосида мавжуд фойдаланилаётган ерлар унумдорлигини ошириш асосида жадал ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришда юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кимёлаштириш ва дехқончилик маданиятини кўтарилишига ҳам алоҳида эътибор берилиши зарур. Агар қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан пахта ҳосилдорлигини ярмидан кўпи минерал ўғитлар ҳисобига олинishi эътиборга олинса, бу омилларнинг ахамиятини тушуниб етиш қийин эмас. Фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришда юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ўзининг кутилган иқтисодий самарасини бера олиши учун дехқончилик маданиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш лозим. Дехқончилик маданиятини ошириш ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш, экинларнинг интенсив навларини жорй этиш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жадал ривожланиш усулидан самарали фойдаланиш асосида ҳозирги кунда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини мос ҳолда 40-45 ва 80-100 центнерга

кўтариш имкониятлари мавжуд. Бу дехқончилик маданиятини кескин ошириш асосида жадал ривожланишнинг юқоридаги омиллардан узвий боғлиқликда оқилона фойдаланишни тақазо этади.

Фермер хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги уни якуний натижаси ҳисобланади. Жадал ривожлантириш охир оқибатда фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлигини ошишини таъминлаши лозим, акс холда уни амалга оширишнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Жадаллаштириш даражасини кўтарилиши қўшимча харажатлар ва ресурсларни жалб этилиши асосида амалга оширилса ҳам охир оқибатда маҳсулот бирламига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажми қисқариши керак.

Хулоса қилиб айтилганда, жадаллаштириш жараёни маҳсулот таннархини пасайтириб, уни сифатини яхшиланиши асосида қўшимча даромад келтириши лозим. Маҳсулот бирилиги ҳисобига олинган фойда жадаллаштириш жараёнида эришилган иқтисодий самарадорликнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу соҳадаги асосий вазифа фермер хўжаликларидан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш бўлиб ҳисобланади. Самарадорлик мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория ҳисобланиб уни баҳолашда бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Улар ичида рентабеллик асосий ўринни эгаллайди ва у самарадорликнинг асосий якунловчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари оптимал рентабелликка эришишлари учун уни камида 35 фоизга кўтариш талаб этилади. Акс холда улар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг беглиганган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий имкониятларга эга бўлмайдилар.

3.2. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўллари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосан экстенсив ва интенсив йўллар билан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг экстенсив йўли – бу экин майдонини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади.

Маҳсулот ҳажмини оширишнинг интенсив йўлида эътибор асосан маҳсулот унумдорлигини оширишга қаратилади, яъни хўжалик экин майдонини ўзгартирмаган ҳолда серҳосил уруғ навлари, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали меҳнат унумдорлигини оширади. Натижада меҳнат унумдорлиги ошганлиги сабабли 1 бирлик маҳсулот таннархи пасаяди, шунингдек, маҳсулот ҳажми ҳам ортади.

Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни таъминланиши икки усулда, яъни экстенсив ва интенсив йўллар асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш машиналашган, самарали технология ва юксак малакали иш кучи мавжуд бўлган шароитда интенсив ўсиш омиллари асосий ўринда туради ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланган сари уни аҳамияти қонуниятли тарзида мунтазам ошиб боради.

Интенсив ривожланиш категорияси ўзбек тилида жадал ривожланиш деб аталади (бундан кейинги саҳифаларда жадал ривожланиш деб юритилади). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожланиши назарияси аввало ернинг ўзига хос хусусиятларига, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида тутган ўрнига асосланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида фойдаланилаётган ерларнинг асосий восита сифатидаги ўзига хос хусусиятларига жумладан, уларни чекланганлиги ва ўз унумдорлигини мунтазам ошириб бориши имкониятлари киради.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: кимёлаштириш – қишлоқ хўжалигини

интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали маъданли ўғитларни ишлаб чиқриш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш ва шу кабилар ҳақида гап борганда кимёлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги боскичида фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг оптимал йўли ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида жадал ривожлантириш усулидан фойдаланиш ҳисобланади.

Фермер хўжалигида жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширилиши ишлаб чиқариш ҳаражатларининг таркиби яхшиланишига боғлиқдир. Моддий ҳаражатлар таркибига экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир қилувчи уруғлик, ўғитлар, ёқилғи, иш ва хизматлар кириши ҳисобга олиниб улар ҳиссасини янада ортишига эътиборни кучайтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги моддий-техника базасини замон талабларига мос ҳолда янгилаш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишига эътиборни кучайтириш зарур. Сабаби, хорижий инвестицияларни жалб этмасдан ҳозирги кунда фермер хўжалигини замонавий техника ва технологиялар билан талаб даражасида қуроллантириш масаласини ҳал этиш жуда қийин бўлади. Ундан ташқари жадал ривожлантириш асосида уни барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжалигида ходимларнинг маълумотини, касбий тайёргарлигини ва кўникмасини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Сабаби, фермер хўжалигини жадал ривожлантириш кўп жихатдан ходимларнинг касбий тайёргарлигига, малакасига ва амалий кўникмасига

боғлиқдир. Бунда асосий эътиборни ходимларнинг камида 4-6та кушимча касбий тайёргарликларни эгаллашларига каратиш зарур.

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига кутаришда унинг асосий омиллари булган ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳамда ишлаб-чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалаларига алоҳида эътибор бериш зурур.

Фермер хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш оркали пахта ва ғалла ҳосилдорлигини кўтариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Фермер хўжалиги жадал ривожлантириш омилларидан самарали фойдаланиш буйича ўзининг истиқболли дастурини ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжалигида жадал ривожлантириш усулини қўлланилиши уни махсулоти ракобатбардошлигини ошириши лозим. Шундагина фермер хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашнинг имкониятилари яратилади.

Замонавий деҳқончилик шароитида етиштирилаётган ҳосилнинг 50-60 фоизи маъданли ўғитлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш ҳисобига олиниши аниқланган.

Маъданли ўғитлар ерга меъёр даражасида солинганда ҳамда уларга кўшиб гектарига 20 тоннадан компаст (маҳаллий ўғит) берилганда (фақат маъданли ўғит солинган ерларга нисбатан) пахта ҳосилдорлиги 15 фоизгача, бошоқли дон ҳосилдорлиги 22 фоизгача ўсиши аниқланган. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш комплекс ҳолда амалга оширилганда юқори самара беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат

унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнларини механизациялаштиришда энг аввало катта меҳнат сарфларини талаб қилувчи ва кўп такрорланувчи ишларни техникалар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғи пахта ва ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Демак, энг аввало пахтачилик ва ғаллачиликда иш турларини механизациялаштиришга эътиборни кучайтириш лозим. пахтачиликда энг катта меҳнат сарфлари ер ҳайдаш, ерни текислаш ва эгат олиш, экиш, ғўзани култивация қилиш, суғориш, чеканка қилиш, ҳосилни йиғиб олиш ва ғўзапояларни йиғиштириб олиш ҳисобланади. Механизациялаштиришни амалга оширишда айрим ишларнинг бир мавсумда қайта-қайта такрорланишига эътибор қаратиш керак. Таъкидланганидек, иш тури қанча миқдори жиҳатидан катта меҳнатни талаб қилса ва кўп марта такрорланса ушбу ишларни биринчи ғалда механизациялаштириш мақсадга мувофиқ. Шундай ишлардан бири пахта ҳосилини йиғиб-териш олишдир. пахта ҳосилини машиналарда териш қўл кучи ёрдамида теришга нисбатан қатор устунликларга эга. Биринчидан, машиналарда пахта ҳосилини териш меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Ишчи кучлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш имконияти туғилади. Иккинчидан, ҳосилни кечиктирмасдан (қор-ёмғирли кунларга қолдирмасдан) ўз агротехника муддатларида териш имконини беради. Ҳосил қор ёки ёмғирда қолмаганлиги сабабли унинг сифатида ушбу омиллар натижасида пасайишга йўл қўйилмайди. Учинчидан, ерни келгуси йил ҳосили учун тайёрлашга имконият кенгайди. Шу билан биргаликда машиналар ёрдамида пахтани териш айрим камчиликларга ҳам эга. Бу энг аввало машинада терилган пахтанинг турли навлари (сортлари) аралашиб кетади. пахта териш машиналари пахта толасини қисман узади ва нисбатан сифатини ёмонлашишига сабабчи бўлади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин эмас.

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини, билимини ошириш ҳам интенсивлаштириш йўналишларидан биридир. Кадрларнинг малакасини, билимини ошириш иқтисодий жадал ва барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири пахтачилик бўлиб уни ривожланиши умуман тармоқдаги ҳолатни қандай бўлишини белгилайди. Шу сабабли пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса пахта селекцияси ва уруғчиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Олиб борилаётган илмий-амалий ишлар нтижасида кейинги йилларда пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил “Бухоро 8”, “Денов”, “С-6524”, “Сурхон-14”, “Наманган-34”, “Қашқадарё-5”, “Ан-35”, “Андижон-36”, “Ан-37” каби навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу навларнинг ҳосилдорлик индекси 55 фоизни ташкил этади. Шу пайтгача мавжуд пахта навларининг ҳосилдорлик индекси 40-45 фоизни ташкил этар эди. Бу навларнинг яна бир эътиборли томони шундаки улар сувсизликка чидамлироқ. Шу пайтгача раёнлаштирилган пахта навларининг тола бериш индекси 33-35 фоиз бўлган бўлса янгидан яратилган юқоридаги пахта навларининг тола бериш индекси 38-40 фоизни айрим истиқболли навларда 42 фоизни ташкил этмоқда. Ингичка тола берувчи пахта навларининг тола бериш индекси 32-34 фоиздан 37-38 фоизга етказилди. Ҳозирда республика далаларида 22 та пахта нави етиштириш районлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, етиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишга, меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир этувчи барча Фан, техника ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш омиллар эътибордан қолмаслиги ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

«Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш омилларидан самарали фойдаланишнинг ахамиятини таҳлил этиш асосида куйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда шартномаларни тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида 28.4% лик рентабелликка эришаётганлиги мазкур хўжаликни жадал ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

2. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг hozirgi боскичида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг оптимал йўли ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида жадал ривожлантириш усулидан фойдаланиш ҳисобланади.

3. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг иқтисодий самарадорлигини оширилиши ишлаб чиқариш ҳаражатларининг таркиби яхшиланишига боғлиқдир. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида моддий ҳаражатлар таркибига экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир қилувчи уруғлик, ўғитлар, ёқилғи, иш ва хизматлар кириши ҳисобга олиниб улар ҳиссасини янада ортишига эътиборни кучайтириш зарур.

4. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида пахта, ғалла ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча тармоқлар ташкил этиш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг кўламда жорий этиш чора-тадбирларини кўриш керак. Чунки, ташки инвестициялар фермер хўжалигини моддий-техник базасини талаб асосида шаклланишининг ишончли омили ҳисобланади.

5. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини

оширишнинг ва жадал ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларининг ижобий ҳал этилиши аксарият ҳолларда фермер хўжалиги ҳар бир аъзосининг мазкур тармоққа булган муносабатини тубдан яхшилаш билан боғлиқдир. Бунинг учун хўжалик аъзоларини маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш тўғрисидаги куникмаларини доимий равишда ошириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ёки ўрта-маҳсус маълумотли мутахассислар салмоғини оширишга ҳаракат қилиш керак. Хўжаликка маҳсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим. Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни яхшилаш уларнинг моддий манфаатдорлик сабабли ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришга, хўжаликни жадал ривожлантиришга олиб келади.

6. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва жадал ривожлантириш мақсадида энг аввало етиштирилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, бунда энг аввало арзон ва самарали технологиялардан фойдаланиш, моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот етиштириш жараёнида ортикча харажатларга йул қуймаслик ва энг асосийси асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

7. «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини талаб даражасига кутаришда унинг асосий омиллари булган ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳамда ишлаб-чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалаларига алоҳида эътибор бериш зурур.

8. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш омилларидан самарали фойдаланиш бўйича ўзининг истиқболли дастурини ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
5. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши. Тошкент-2008й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478 фармони. Тошкент-2012й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. Тошкент-2003 йил 4 сентябр 383-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-

қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори. Тошкент ш.,2013 йил 31 январь, 22-сон.

7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь,176-сон

8.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш.,2013 йил 26 сентябрь,49-сон

9.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2015.

3 . Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил

2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил

3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.

4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил

6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил

4.Соҳага оид меъёрий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5

февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».Тошкент-“Адолат”-1999й.

2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

5.Асосий адабиётлар

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.

2 .А.Исмоилов, О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.

3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.

4. О' .P.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.

5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.

6.Қўшимча адабиётлар

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
3. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
4. Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Дарслик -Т.: ТДИУ, 2006. -230 б.
5. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
6. М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил
7. О.Шерматов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссерт. автореферати.– Т.: 2006.

8. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил
9. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойihalарни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6 .2012 йил.
- 10.А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашини ташкил этилиши аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. .2013 й
- 11.А.Абдуллаев, О.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. 2013 й

7.Даврий нашрлар,статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Андижон туманидаги «Янгиобод ҳосили» фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

8.Интернет манбалари

www.tsue.uz- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

www.timacad.ru -К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалиги академияси, иқтисодиёт факултети.

www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.

6. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.

7. www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.